# Бугун Рамазон ойининг тоқ кечаси




16:02 / 13.04.2023    2225

13 апрель (пайшанба)дан - 14 апрель (жума)га ўтар кеча

Шом намозидан кейин Рамазон ойининг 23-кечаси бошланади.
Абул Олия розияллоҳу анҳу айтадилар:
**«Бир аъробий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Қадр кечаси қачон бўлади?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечасини Рамазоннинг илк ва энг сўнгги ҳамда тоқ кечаларидан изланглар!»** дедилар.
*Имом Абу Довуд ривояти.*
Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечасини Рамазон ойининг охирги ўн кунлигидан қидиринглар», деганлар.
Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти.

***Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати***